

ЯНА БИР МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ



Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мантиқий давоми сифатида “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чоралари тўғрисида”ги Фармони жорий йилнинг 11 апрель куни Президент томонидан имзоланди.

Ушбу Фармоннинг мақсади мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга оширишдан иборат.

Фармонга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охирги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиқсан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиши нафақаси тўланади. Мазкур юридик шахсларнинг ушбу банд иккинчи хатбошисида кўрсатилган ходимлар олдидағи мажбуриятлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланган ҳомиладорлик ва туғиши нафақаси ҳажмида камайтирилади.

Шунингдек, хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шартшароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм ресурс маблағлари йўналтириш белгиланди.

Шу билан бирга, мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизларни ҳар йили Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилиши ҳам яна бир муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Жиноят ишлари бўйича

Олтинсой туман судининг раиси

К.Назаров